



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 3 июнь, чоршанба • № 43 (11.026) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 1 июнь куни АҚШнинг экспорт-импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Хармонни қабул қилди. Мазкур банк АҚШ ташқи савдосини ривожлантириш, саноат корхоналарининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, аҳоли иш билан бандлиги кўрсаткичини ошириш мақсадида ташкил этилган. У қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан технологиялар, товар ва хизматлар экспорти ҳажмини оширишга кўмаклашади. Эксимбанк Ўзбекистон билан ҳам истикболли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 1 июнь куни АҚШнинг экспорт-импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Хармонни қабул қилди. Мазкур банк АҚШ ташқи савдосини ривожлантириш, саноат корхоналарининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, аҳоли иш билан бандлиги кўрсаткичини ошириш мақсадида ташкил этилган. У қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан технологиялар, товар ва хизматлар экспорти ҳажмини оширишга кўмаклашади. Эксимбанк Ўзбекистон билан ҳам истикболли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

ноати, агросаноат мажмуи, болалар учун озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришда, шунингдек, «Боинг» русулли самолётлардан фойдаланиш бўйича лизинг операциялари, ахборот алмашиш тармоқларини барпо этиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасида аккумулятор ва бошқа электротехника жиҳозлари, кишлоқ хўжалиги машинасозлиги учун дизель двигателлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Қизилқум фосфор заводи кенгайтириш ва фосфор ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, «Фаргонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмасини қайта таъмирлаш,

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларининг рақобатбардорлигини оширишга қаратилган лойиҳалар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Суҳбат чоғида мавжуд лойиҳаларнинг бажарилиш жараёни, янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. Узоқ ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди. Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р.Азимов иштирок этди.

— Аини вақтда банкни-

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан АҚШнинг Эксимбанки ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Дастлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун қисқа муддатли кредитлар берган мазкур муассаса аини кунда нефть-газ са-

«Галла-98»

ТАРАДДУД

ҲАР қачонгидек, бу йил ҳам вилоятимизда галла ўрими-йиғими мавсуми катта имтиҳонга айланади. Зеро, дон — ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз фазиси, рўзгоримиз баракасидир. Галла-корларнинг катта меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир миқсolini ҳам исроф қилмай, давлат омборларига топширадиган қулар яқин. Ана шу мавсумга вилоятда тайёргарлик ишлари қандай бормоқда?

Паркент туманидаги «Гулбоғ» ширкат хўжалигининг марказий дала шйлонида вилоят фаоллари ана шу долзарб масала юзасидан маслаҳатлашиб оlishди. Йиғилишда вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи муовинлари, бошқармалар раҳбарлари, жамоа, ширкат хўжалиқлари раислари, мутахассислар иштирок этдилар. Мазкур йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди. У галлачиликдаги бугунги аҳвол, галлакорлар олдида турган вазифалар ҳақида батафсил тўхталиди.

Қабул пунктларини мавсумга тайёрлаш, транспорт ходимлари, механикларга қулай шарт-шароитлар яратишга бунданроқ киришмоқ керак, — деди ҳоким, — бу йил ўримада 570 комбайн иштирок этади. 2241 машина ҳосилни омборларга етказиб беришга жалб қилинади. Ишни икки смена давомида бригада усулида ташкил этиш, техникадан умумий фойдаланиш, битта ҳам комбайннинг тўхтаб қолмаслигига эришиш ҳар бир раҳбарнинг, галла иши билан шуғулланувчи ҳар бир кишининг муҳим бурчидир.

Вилоят ҳокими соғлиқни сақлаш, маданият ишлари, ички ишлар, нефть маҳсулотлари бошқармалари, давлат автотомобил назоратчилиги, «Тошвилоят» концерни, вилоят таъмир ташкилотига қарашли муассасалар, жамоатчи ташкилотлар раҳбарлари зиммасига мавсумда амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан аниқ вазифалар юклади. Меҳнатқашлар кайфиятини кўтаришга алоҳида эътибор бериш зарур, деди, ҳоким.


Йиғилишда барча туманларга вилоят ҳокимлигининг вакиллари билан биргаликда муаммоларни ҳал қилиш бўйича йўналтирилган вазифалар берилди.

Ишга қабул қилинганларнинг 149 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Ярмаркада сўзга чиққан вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева, туман ҳокими Туроб Хонбаевлар иш билан тўқнашган йилларни янги қасб эгаси бўлаётганликларини билан кутдилар.

Жўра МАҲМУДОВ.

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 7 йиллиги олдида

ЗАНГИОТА ОДИМЛАРИ



ВАҚТ ҳакам дейдилар. Республикаимиз ўз мустақиллигига эришгандан кейинги салкам етти йиллик ишмиизга ҳам келгусида тарих ўз баҳосини беради. Лекин шунинг қилиб ишонч билан таъкидлашимизки, ўтган йиллар тарихдан алоҳида жой олади. Чунки бу даврда таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда асрга татулик ишлар амалга ошди. Белгилан олган тарихий қадимий эҳтиётчиликнинг ҳақиқатини аниқлаш ва йўналишлари янада салмоқли. Сўзсиз, бунда истиқлолимизнинг еттинчи йили алоҳида ўрин тутди.

Шу йилнинг 25 февралда Республика Вазирилари Маҳкамасида 1997 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислохотларни асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда нутқ сўзлаган Президентимиз шундай деди: «Шунинг тўла ишонч билан айтиш мумкин, 1997 йил — Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни маънавий янгилаш борасидаги дадил ҳаракатининг наватбддаги босқичи бўлди». Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўзгаришлар юз бермоқда. Уларнинг жабҳаси кенг. Бу ўзгаришларни нафақат Тошкент шаҳри ёки вилоятларда балки унинг ҳар бир гўшасида — кишлоқда ҳам, қўрғонда ҳам, оиласида ҳам кўриш мумкин.

Халқимизда, уммонлар йиғилиб дарёлар ҳосил қилади, деган гап бор. Бу катта ўзгаришларнинг дебосчаси ана шу йиллардан, туманлардан бошланади. Шу маънода бугун биз ҳикоят қилмоқчи бўлган Зангиота туманидаги амалга оширилган ишлар, ислохотлар ҳам эътиборга ва ўрнатма лойиқ.

Зангиота тумани географик жойлашуви нукта назаридан аниқ мураккаб. Аини вақтда қулай жойлашган ҳудудлардан бири. Чунки унинг бир чеккаси пойтахт—Тошкент шаҳрининг олти тумани билан туташиб кетган бўлса, яна бир қисми вилоятнинг беш тумани ва Қозоғистон республикасига ҳам қўриқланади. Бу ўз-ўзидан тумани иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда шароитни ҳисобга олишни ва ўзига хос йўл-йўриқларни белгилан олишни тақозо этади.

Бугун Зангиотада юз бераётган ўзгаришларга назар ташлар эканмиз, уларнинг қўлими тобора кенгайиб бораётганлигини кўрсатди. 139 йрим миңдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудни бемалол республикаимизда, Тошкент вилоятида амалга ошириладиган жуда катта ишларнинг таъинларидан бири деб айтиш мумкин. Келинг, бу сўзларимизни қуруқ бўлмаслиги учун қуйидаги рақамларга эътибор беринг. Биргина 1997 йилда туманда 1079 миллион сўмлик кишлоқ хўжалик, 2094 миллион

сўмлик саноат маҳсулотлари, шу жумладан, 1065 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. 2100 миллион сўмлик товар айрибошлаш ишлари, 3020 миллион сўмлик пуллик, 2001 миллион сўмлик транспорт хизмати кўрсатилди. Тумани табиий газ билан таъминлаш 92,4 фоизга, йчимлик суви билан таъминлаш 91 фоизга етди.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш, кишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини, деҳқончилик маданиятини қарор топтириш ва замонавий технологияларга асослан тарқиқнинг беш мезонини ташкил этади. Пировайда уларнинг ҳаммаси туман аҳолисини турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоғи керак. Бу шир ва режа мукамал дастурлар ва устувор йўналишларга эга. Дарҳақиқат, улар ҳамма соҳада ўзининг самараларини бермоқда.

Туман ҳудудидаги 29 та хўжаликлар ва кишлоқ хўжалик корхоналарида ернинг (Давоми 2-бетда)



Суратларда: туманда шу йил қурилиб ишга туширилган янги мактабнинг компьютер синфи ва бассейни.

Хушхабар

ПИЛЛАКОРЛАР ЮТУГИ

Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги пиллакорлари вилоятда биринчилар сафида давлатга пилла сотиш режасини бажардилар.

Жамоа хўжалигида бу йил жами 150 қути ипак қурти парваришланиб, ундан 6 миңг 800 килограмм сифатли хом ашё етиштириш кўзда тутилган эди. Аммо ишни тадбиркорлик асосида ташкил этган пиллакорлар бу кўрсаткичини етти ярим миңг килограммга етказишга муваффақ бўлишди. Бу ютуққа 2 қути уруғдан 126 килограмм пилла олган Унганмин Нурғозий, 1 қути уруғдан салкам 80 килограммдан пилла етиштирган Бердибек Полвонов ва Йўлдош Аббосов сингари пиллакорлар оилалари муносиб ҳисса қўшдилар.

Туманининг Гулзоробод жамоа хўжалиги пиллакорлари ҳам йиллик режани бажариш арасида турибдилар. Жами 230 қути ипак қурти парваришланиб «кумуш тола» иждоқдорлари шу кунгача қабул пунктларига 10 тоннадан ошмироқ пилла топшириб, режани 97 фоизга етказдилар.

Зарифа АШУРОВА.

Ислохот — ташаббус — тажриба

ЎЗ КЎЗЛАРИ БИЛАН КЎРДИЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга ошириладиган ислохотлар ва ўзгаришларда Тошкент вилоятининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти бор. Аини вақтда вилоятда ҳамма соҳада ишга солиниши зарур бўлган ички имкониятлар ҳам кўп. Вилоят ҳокимлиги сўнгги йилларда ана шу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Ишни ташкил этиш, ислохотларни чуқурлаштириш, маданият-маърифий ишларни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қилинмоқда.

Шаҳар, туман ҳокимлари, ички ишлар бўлимлари ва қатор бошқарма бошлиқлари ҳамкорлигида шаҳар ёки туманларга ташқи фаолнинг ташкил этилаётганлиги ана шу янгиликлардан бири бўлди, дейиш мумкин. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ташкил этилаётган бу ўзига хос тадбирнинг муҳим жиҳати шундаки, бундай урғулар қандайдир расмий, мажлисбозлик эмас, балки бевосита мулоқотлар, суҳбатлар, учрашувлар тариқасида ўтмоқда. Энг муҳими, уларнинг самараси катта бўляпти.

Ана шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бу «юртишлар»да алоҳида бир шахар ёки туманининг иқтисодий, ижтимоий ривожланишидаги муваффақиятлари, ислохотларни амалга оширишдаги тажрибалари, таълим, маданият, спорт, маънавият, маърифат, соғлиқни сақлаш, ободончилик, кўйинг-чи, ҳамма соҳалардаги ишларини чуқур ўрганиш ва кўздан кечириш билан бирга мавжуд муаммолар, камчилик ва нуқсонлар ҳам рўй-рост айтилимоқда, уларни ҳал этиш юзасидан жойларнинг ўзида дарҳол маслаҳатлашиб олинмоқда.

Ана шундай учрашувларнинг наватбддаги сўнгги кеча Зангиота туманида ташкил этилди. Халқимизда юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақд бор. Ана шу ташрифларнинг иштирокчилари бундай учрашувлар барча шаҳар ва туманларга фақат фойда келтираётганлигини таъкидламоқдалар. Буни барча ҳокимларнинг фикри ҳам исботлаб турипти.

— Биз бундай учрашувлардан ўзимизга катта сабоқ оламиз, — дейди Янгийул шаҳар ҳокими Шухрат Қорабоев. — Тадбирнинг аҳамиятидан бири шундаки, биз ташқи аҳолида қатор янги тажриба ва янгиликларни кўряпмиз. Келгусида уларни шаҳримизда ҳам жорий этишимиз турган гап.

Республикаимизда ҳар бир вилоятнинг ўз ўрни бўлган сингари вилоятимизда ҳам ҳар бир туман шаҳарнинг ўзига хос жиҳатлари бор. — дейди Бўстонлик тумани ҳокими Абдулмонноб Абдувоситов. — Бўстонликликлар республикаимиз мустақиллигининг етти йиллигига пухта тайёргарлик қилимоқдалар. Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор дастурлар амалга оширилимоқда. Зангиота туманида ҳам янги, ибратли ишларни кўрдик. Менга туманда мавжуд ташкилот, корхона, хўжалик ва муассасалар билан биргаликда ишларга аҳолининг кенг жалб этилганлиги маъқул бўлди. Ана нарса ўргандик.

Яна бошқа қатор шаҳар, туман ҳокимлари ҳам учрашув давомида ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Лекин, энг муҳими, вилоят ҳокими Эркин Рўзиев таъкидлаганидек, биз бундай ташаббусларни, тажрибаларни янада ривожлантириш боришимиз зарур. Жойлардаги боқимандалик иллатини йўқотишимиз, ҳар бир кишини мамлакатимиздаги ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўйишга сафарбар этишимиз керак. Амалга ошириладиган кенг қўламли қурилишлар, бунёд этилаётган маданият, маърифий, маънавий, спорт иншоотлари, ташкил этилаётган янги иш жойлари, қўшма, кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжалиқлари буларнинг ҳаммаси пировайда халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи омилилардир.

Ҳақ гап. Бундай тадбирлар ҳар бир ҳокимликка ёхуд айрим ҳудуд аҳолисига ўз ишига янгича қарашга, мазкур масканнинг ҳақиқий эгаси бўлишга ундамоқда. Қирвай ва Зангиота туманларида яратилган альбомлар ҳам ана шунинг бир кўрсаткичидир.

Шундай қилиб, вилоятимизда яна бир қатор ва хайрли иш бошланди. Мустиқликнинг етти йиллиги байрамигача бундай юзма-юз мулоқотлар барча шаҳар ва туманларда ўтказилади.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

ХОРИЖИЙ БУЮРТМАЧИЛАРГА

«Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тамғаси босилган пўлат ва прокат жаҳон бозорига барқарор талаб қилинмоқда. Бу корхона жамоасининг ташқи иқтисодий фаолияти қатор яқин ва узоқ хорижий мамлакатларни қамраб олган.

Металлургия жорий йил бошидан кўпгина чет эллик мижозлари буюртмаларини бажардилар. Уларга баҳоси бир миллион АҚШ долларидан ортиқ металл маҳсулотлари етказиб берилди. Аини вақтда комбинатнинг бевосита иши юзасидан шериклари билан тузилган шартномалар бўйича маҳсулот етказиб бериш давом этди ва у деярли икки миллион долларни ташкил этди. Бу ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимизнинг валюта захирасини тўлдириш ва вилоятнинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Собир МАҲМУДОВ.

АЁЛ МЕҲНАТИ — ТУРМУШ ЗИЙНАТИ

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманларида «Камолот» жамғармасининг ташаббуси билан «Мустаҳкам оила — Ватан таянчи», «Оила тинчлиги — юрт тинчлиги», «Менинг оилам» мавзуларида турили тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Бу борада йил оилаларнинг моддий фаровонлигини ошириш масаласига жиддий эътибор берилмоқда.

Кунинг кеча Паркент тумани марказида «Аёл меҳнати — турмуш зийнати» ширини остида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бу тадбирда тумандаги 20 та катта-кичик корхоналар, меҳнат жамоалари, ширкат уюшмалари иштирок этдилар. 500 дан ортиқ ёшлар билан алоҳида алоҳида суҳбат ўтказилди. Уларнинг лавқати, қобилияти атрофлича ўрганилди. Шу кунинг 165 нафар ёш доимий иш жойларига эга бўдилар. Ишга қабул қилинганларнинг 149 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Ярмаркада сўзга чиққан вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева, туман ҳокими Туроб Хонбаевлар иш билан тўқнашган йилларни янги қасб эгаси бўлаётганликларини билан кутдилар.

Жўра МАҲМУДОВ.

ДАРСЛИКЛАР БЕПУЛ БЕРИЛАДИ

КЕЙИНГИ йиллар ичида «Ўзбек ўқув математика» ҳиссадорлик жамияти вилоятимиз мактабларини зарур жиҳозлар, қўлланмалар билан таъминлаб келмоқда. Аини вақтда жамият болалар муассасаларини ўз оталигига олиб, уларга ҳар тоқоламан Ўрдада бериш йўлида хайри тадбирларни амалга оширипти.

МУНОСИБ ТУҲФА

ЎРТАЧИРЧИК тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан Тўйтепа шаҳридаги Нодирабегим номи болалар истироҳат боғи қайта таъмирланиб, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш байрамини муносиб совға қилинди.

— Бодажонларимизнинг истироҳат боғи ҳашир йўли билан қисқа вақт ичида тартибга келтирилди. Бунинг учун бир миллион сўмдан ошмироқ қурилиш ишлари бажарилди, — дейди Ўртачирчиқ тумани ҳокими муовини Сурижон Қурбонқулов. — Бу ёрда фарзандларимиз стол теннисини, шахмат-шахса тўғрақларига қатнашдилар. Вилоятда сайр қилиш, ҳавазда чўмилиш мумкин. Шунингдек, боғнинг ёзги саҳнасидан тумандаги бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг чиқишларини томоша қилиш имконияти бор.

Барот ИСРОИЛОВ.

Ақбар АЛИЕВ.

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

Янгиликлар, одамлар, воқеалар



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги олдидан

ЗАНГИОТА ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетда)

энг катта бойликка айланганлиги сезилиб туради. Бу майдонлардан ҳар йили икки-икки ярим марта ҳосил олинмоқда. Олди ҳўжаликларда гектаридан олинаётган сабзавот 300—350 центнерни, картошка 200—250 центнерни ташкил этмоқда. Кундан кунга кенгайиб бораётган теллица ҳўжаликлари шаҳарликлар дастурхонини йил-ун икки ой сара сабзавот ва резаворлар билан беэмомқда. Энг муҳими, туманда ажойиб деҳқонлар меҳнат қилишади. Уларнинг сабзавотчиликдаги йиллар давомида ортирган тажрибаларини, янги иш усулларини ҳали-ҳануз келиб ўрганишади. Уларни туманда энг катта бойлигимиз, дейдилар. Бу ҳақ гап.

Ислохотлар қишлоқ ҳўжалигида ҳам туб бурилишлар ясашни талаб этмоқда. Бу борадаги изланишлар, ҳаракатлар дадил. Бугун туманда фаолият кўрсатаётган 87 та деҳқон-фермер ҳўжаликлари ана шу ислохотларнинг илк қалдирғочларидир. Улар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Халқимизни сабзавот ва резаворлар ҳамда чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда муқтадкам таянч бўлмоқда. Кечагина фермерлик нима, мулкчилик нима, деб юрган кишилар бугун бозор иқтисодиётининг тамойилларини анча мукамал эгаллаб олдилар. Аста-секинлик билан бўлса-да, бу фермер ҳўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятларини кенгайтириб бормоқда. Қайта ишлаш саноятини ривожлантирмоқдалар. Лўнда қилиб айтганда қишлоқларда ҳақиқий мулк эгалари шаклланимоқда. Бизга туманда деҳқон-фермер ҳўжаликлари ривожлантириш қишлоқ ҳўжалигини тараққий эттиришда, ерлар ҳосилдорлигини оширишда, чорва наслини яхшилашда устувор йўналиш бўлиб қолишини айтишди.

Туманда қишлоқ ҳўжалиги билан бирга саноятни ривожлантириш, энг муҳими, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида алоҳида иш бошланганлигини таъкидлашди. Бу беэиз эмас. Бугунги кунда корхона жаҳон бозорига чиқмас экан, унинг истиқболи йўқ. Эътибор беринг, агар 1996 йилда бор-йўғи битта саноят корхонаси ўз маҳсулотини экспорт қилган бўлса, сўнгги бир йил ичида уларнинг сони бештага етди. Замонавий технология асосида ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ташкил этилаётган қўшма корхоналар ҳам алоҳида ўрин тутди. Уларнинг сони 17 тага етди. Бу борадаги изланишлар, ҳамкорлик ришталари давом этади. Умуман, 1997 йилда туманда 1126,2 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилинди. Импортнинг асосий қисмини янги технология ва асбоб-ускуналар олиб келиш ташкил этмоқда.

Биз юқорида айтганимиздек, ислохотларнинг асосий бўғинини халқ турмуш фаровонлигини ошириш, бошқача қилиб айтганда, инсон омили ташкил этмоқда. Бунга халқ ҳўжалигини ривожлантирмай, бунёдкорлик ишларини кенгайтирмай, айни вақтда, аҳолининг ўзини мана шундай катта ишларга сафарбар қилмай эришиб бўлмайди. Биргина 1997 йилда қурилиб ишга туширилган 1000 квадрат метрдан ортик савдо шохобчалари, 70 ўринли ошхона, 5 та маиший хизмат ўчоқлари, 20,6 минг квадрат метр уй-жойлар ана шуларнинг исботидир. Бизга Эшонгузар кўрғонидан бунёд этилган янги йўл, ёзги-қишки теннис кортлари, Бўзсув қишлоғида 100 кишига хизмат кўрсата бошлаган янги поликлиника, Уртаовул кўрғонидан иш бошлаган «Ифтихор» қўшма корхонасига қарашли қандолат фабрикаси ва бошқа объектлар ҳақида фахр билан сўзлаб беришди.

Албатта, туманинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиб бораётганлигига назар ташлар экансиз, бунда таълим, маданият, маънавият ва маърифат алоҳида ўрин тутганини уқиб олишингиз қийин эмас. Туманда бу борада амалга оширилаётган маърифий ишларнинг ҳам қўламини кенг. Буюк ватандошимиз Зангиота мақбарасининг қайта таъмирланиб, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё халқларининг энг муқаддас қадамжоларидан бирига айланганлигини қишда фахр уйғотади. Замон талаблари асосида билим беришга иқтисослашиб бораётган мактабгача таълим муассасалари ва билим ўчоқлари кўпайиб бормоқда. Замонавий компьютерлар ва болаларнинг билимини, дунёқарашини, тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилаётган турли ускуналар ҳам тараққий сари дадил одимлаб бораётганлигининг бир белгисидир. Зангиоталикларга хос бўлган бундай мисоллари ана келтириш мумкин. Улар республикамизда амалга оширилаётган

ислохотларга, ўзгаришларга ҳамоҳанг қадам ташламоқдалар. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар. Ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ЯНГИ АСР ҚУРИЛИШЛАРИ

Амир Темуր бобомиз, кимки бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлса, қурган иморатларимизни кўрсин, деган эдилар. Ҳақ гап. Худуди Тошкент шаҳридан бошланиб, Қозоғистонга бориб уланган Зангиотанинг қаерига борманг, бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Энг қувончлиси шундаки, туман марказидан бошлаб кичкина қишлоқда ҳам, маҳаллада ҳам янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Миллий меъморий услубда бунёд этилаётган бу қурилиш иншоотлари сўзсиз туман аҳлининг фахрига айланмоқда.

1998 йил бу борада алоҳида ўрин тутди. Чунки қисқа муддатда янги бассейни, иккита автосервис, 50 дан ортик савдо шохобчалари, салкам 8 минг квадрат метр янги уй-жойлар, учта маиший хизмат муассасалари фойдаланишга топширилди. Туманинг бош меъморий тасвир этган лойиҳада шу йилнинг ўзида ана шундай объектлар барпо этилиши кўрсатилган.

Кечагина биров эшитмаган қишлоқда қўшма корхона барпо этилсаю, уни нафақат Ўзбекистон, балки дунё таниса. Бундан ортик бахт борми? Фақатгина истиқлол, озодлик туйғайли ўзбек қишлоқлари ҳам, унинг одамлари ҳам ана шундай имкониятларга эга бўлдилар. Назарбек қишлоғида тула қувват билан ишлаётган ва ўз ичимликлари билан машҳур бўлиб бораётган Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси, Ўзгариш қишлоғидаги Ўзбекистон — Италия — Россия ҳамкорлигида фаолият кўрсатаётган «Фар — Итал» корхонаси, Уртаовулдаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг ҳосили бўлган «Ландертехник — Тошкент» қўшма корхонаси юқоридаги фикрларимизга




кичик бир мисол. Шуниси эътиборлики, кичик корхоналарда шу худуднинг фарзандлари аҳолиси меҳнат қилмоқда. Ўз қўллари билан яратган муракаб жиҳозлик «Мараль» комбайнидан тортиб, полиэтилен плёнчаларини, истеъмол молларини хорижга жўнатмоқда.

Туманда қурилиш ишларига эътибор кучаётган экан, бунда масаланинг учта жиҳатига алоҳида аҳамият берилмоқда. Биринчидан, бу қурилишлар ўз аҳамияти ва қўламини жиҳатидан янги XXI аср талабларига ҳам жавоб бера олиши керак. Иккинчидан, бу жойларда маҳаллий аҳоли қўшимча иш жойлари билан таъминланишлари зарур. Учинчидан, меҳнат қилаётганлар учун барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

ТУМАН ТАРЖИМАИ ҲОАИ

- ТУЗИЛГАН ВАҚТИ — 1934 йил
- МАРКАЗИ — Эшонгузар кўрғони
- ТОШКЕНТ шаҳрининг ғарб томонида жойлашган
- МАЙДОНИ — 240,8 квадрат километр
- ЧЕГАРАДОШ ХУДУДЛАР — Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов, А. Икромов, Чилонзор, Сирғали, Ҳамза, Бектемир ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай, Юқоричирчик, Ўртачирчик, Янгийўл туманлари ва Қозоғистон Республикаси.
- ЗАНГИОТА туман маркази ва Тошкент шаҳрининг маркази оралиги — 10 километр.
- АСОСИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ — Чирчиқ ва Калас дарёлари, Бўзсув канали.
- АҲОЛИСИ — 139583 киши.
- ТУМАН ХУДУДИДА — Эшонгузар, Ўртаовул кўрғонлари, Хонобод, Ўзгариш, Зангиота, Эркин, Бўзсув, Иттифок, Назарбек, Чигатой-Оқтепа ва Қатортол қишлоқ фуқаролар кенгашлари фаолият кўрсатмоқда.
- ТУМАНДА ЖАМИ ТАШКИЛОТЛАР — 719 та бўлиб, жумладан, 22 та саноят, 29 та қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, 87 та фермер ҳўжаликлари, 17 та қўшма, 443 дан ортик кичик ва хусусий корхоналар ишлаб турипти. 41 та мактаб, 37 та болалар боғчалари, 17 та тиббиёт масканлари, 47 та клуб ва кутубхона муассасалари, 5 та ўйингоҳ мавжуд.

ЎЗБЕК АМЕРИКА ҚОШМА КОРХОНАСИ



Дарҳақиқат, бу жойларга ташриф буюрсангиз, ана шу учта талабнинг эътиборга олинганлигини кўрасиз. Туман бош лойиҳасида ўз аксини толган маданият, таълим, маърифий муассасалар, кенг, равои кўчалар, этилди. Қишлоқларда, маҳаллаларда, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» жамғармаси, маҳалла кўмиталари ва бошқа жамоатчи ташкилотлар билан ҳамкорликда турли учрашувлар, маданий-маърифий кечалар ташкил этилди. «Энг намунали хонадон», «Маънавият оиладан бошланади», «Оила муқаддас» сингари кўлаб қуриқ-танловлар барча оила соҳибларини янгича фикрлашга, ўзгаришларга янги кўз билан қарашга ундамоқда. «Аёл ва ҳўқуқ», «Оила ва жамият» сингари учрашувлар эса оилаларнинг ҳуқуқий асосини муқтаҳамламоқда. Фақат буғина эмас, оила йили юзасида белгиланган дастурда жуда катта ҳажмдаги ишларга маблағ ҳам ажратилмоқдаки, бу назаримизда масаланинг энг муҳим томони. Хуллас, туманда Инсон манфаатлари, жамият манфаатлари, оила манфаатлари ҳамоҳанг қадам ташламоқда.

ХАЛҚ КУЧДИР

Туманда амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишларни аҳолининг иштирокисиз, унинг фаол ҳаракатисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.


— Биз аслида ишни шундан бошладик, — дейди туман ҳокими Ҳасан Нурматов. — Сиз юқорида таъкидлаган қурилишларнинг асосий қисми тadbиркорлар, ишбилармонлар ва аҳолининг маблағи ҳисобига бунёд этилди. Бир қатор тadbиркорларимиз мактаблар, боғчаларимизни ҳам оталиққа олмоқдалар. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўмақлашмоқдалар. Янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Бизни шу мамнун этмоқда.

Дарҳақиқат, халқ — катта куч. Унга таянган раҳбар ҳеч қачон кам бўлмайди. Яқинда туманда ободончилик, озодлик бўйича 10 кунлик эълон қилинди. Бу иш оилалардан бошланди. Секин-аста қулоч ёйиб борди. Бугун равои йўллар четидан бўйланган доғдараклар, саранжом-саришта хонадонлар ва худудлар кишининг кайфиятини кўтарди. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг тафаккури ўзгариб бораётганлигини кўрсатади. Улар эски тузумдан қолган энг катта иллат — боқимандалиқдан, мен учун кимдир қилиб беради ёки қилиб бериши керак, деган тушундан воз кечмоқдалар. Назаримизда бу мамлакатимизда бошланган ислохотлар ва ўзгаришларнинг энг катта ютуғи.

Албатта, ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, ҳўжаликлар, муассасаларда амалга оширилаётган дастурий ишлар кўп. Лекин ҳар бир худуднинг эгаси шу ерлик аҳоли. Ҳеч ким четдан келиб шу ердаги муаммоларни ҳал қилиб берайди. Фақатгина ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик туйғайли ана шундай натижаларга эришиди. Демокриманки, ҳар биримиз қўлимиздан келганини қилсак, ўз уйимиз, ўз қишлоғимиз, муносиб туманимиз, ўз вилоятимиз, ўз ватанимиз учун жон кўйдирсак, буюк келажаққа муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Зангиоталиклар тажрибаси ана шундай фикрни уйғотади.

Биз юқорида тилга олган рақамлар, режалар, мамлакатимизнинг бир туманида олиб борилаётган катта ишларнинг, янгиликларнинг, фидокорликларнинг бир бўлағи ҳолос. Албатта, бу билан туманда ҳамма нарса ўз ечимини тоғди, муаммолар йўқ десак, хато қилган бўламиз. Соҳибларнинг ўзлари ҳали олдиларида жуда катта вази-фалар турганлигини айтмоқдалар. Энг муҳими, зангиоталиклар ўзларининг яратувчилик меҳнатлари билан Ўзбекистон республикаси муқтақиллигининг етти йиллигига ёруғ юз билан бормоқдалар.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ



монавий коммуникация тизимига эга бўлган объектларга ҳам кўзингиз тушади. Уларнинг ҳаммаси истиқболдаги ишлар албатта. Энг муҳими, бу режалар биринкетин ўз аксини топаёпти. Мана шунинг ўзи дастлабки ютуқдир.

ИНСОН МАНФААТЛАРИДАН — ОИЛА ЙИЛИГА


Муқтақилликка эришган биринчи кунда-ноқ мамлакатимизда инсон ўз қадр-қимматига эга бўла бошлади. Президентимизнинг «Инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» шиори ҳамма жабҳада инсонга бўлган муносабат, эътиборни, ғамхўрликни ўзгартирди. Асли шундай бўлиши ҳам керак.

Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йил Зангиота туманида ҳам катта из қолдирди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга қўмақ бериш, айниқса, болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш учун белгиланган кенг қўламли дастур ижро этилди. Ана шу бошланган катта ишлар 1998 йил — Оила йилида изчил давом эттирилмоқда.

Оила манфаатларини ошириш, оила муқаддаслигини таъминлаш билан боғлиқ кўлаб режалар махсус дастурда ўз ифодасини толган. Ҳозиргача уларнинг бир қатори ижро

• Сиз суратда кўриб турган бу истеъмол моллари ва бежирим эшик-ромларни зангиоталик хунармандлар ўз қўллари билан яратганлар.

Умид АҲМЕДОВ суратлари.



БИЗ — БОЛАЖОН ВАТАН БОЛАСИ...

Оҳангарон туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган тағбир ана шундай номланди

...БИРОР хонадонга меҳмонга борган киши табиий равишда шу оиладаги фарзандларнинг юриш-туришига, одоби-хулқида, атрофдагилар билан қилаётган муомаласига зимдан эътибор беради. Ва бу билан у шу оиланинг мавқеига, тарбия борасидаги мақбул ёки номақбул ишларига, энг муҳими, унинг келажагига ўзича баҳо беради.

Нафақат оилада, балки маҳалла миқёсида, бутун бир Ватан миқёсида ҳам ушбу ёзилмаган қоида амал қилади. Яъни: болаларнинг шоду-хуррамлиги — юрт қувончи! Болаларнинг илму-хунарга чанқоқлиги — тараққиёт мезони! Болаларнинг дунёни англашга интилиши — қутлуғ келажақдан далолат! Минг шукрки, мустакил юртимизда эр-танги кун эгалари бўлган фарзандларнинг бахтиёр яшашлари учун ҳамма шароитлар яратилмоқда. Болаларни асраш-авайлаш ҳамма жойда энг асосий широрага айланб бораётир.

Оҳангарон туманида ўтказилган байрам тағбири ҳам ана шу эзгу ниёда уюштирилди. Турли ноз-неъматлар билан безатилган тўкин дастурхон атрофига туман мактабларида таълим олаётган энг аълочи ўқувчилар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилдилар. Туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, бир қатор жамоат ташкилотлари, шунингдек, тағбир ҳомиysi — «Зиёота» деҳқон-фермер хўжалиги болаларнинг ўйнаб-қулиб дам олишлари учун имконият яратдилар. Шу кун билан

бордан, гамхўрликдан мамнун эканликларини нур тўла нигоҳлари билан изҳор этдилар. Зеро, болаларнинг улкан қалбига энг тўри йўл — меҳр орқали, муҳаббат орқали топилади. Эл меҳрини, ватан меҳрини хис қилган болалар эса шу Ватан учун улуг ишлар қила олишига шубҳа йўқ.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.



КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» хўжалиги маданият саройида болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан анъанавий байрам бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси хайрия ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказган бу шодидега вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан болалар ташриф буюрди.

Кичкинтойларнинг тўкин дастурхон атрофидаги гурунги горт завқли ўтди. Она Ватанини, қувноқ болаликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Болаларнинг сеvimли эртақ қаҳрамонлари иштирокида сазна кўринишлари намойиш этилди. Байрам иштирокчиларига турли совғалар ҳадя қилинди.

Н. ДУШАЕВ, ўЗА муҳбири.



Суратларда: «Дўстлик» хўжалиги маданият саройида болаларни шарафлаш байрамидан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Қилмиш-қидирмиш

ЖИНОЯТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳалол меҳнат қилиб, тинч-омон яшаш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, баъзи кимсалар осонлик билан пул топишни ўзларига «қасб» қилиб олишяпти. Оқибатда шармандаю шармисор бўлиб, азиз умрининг бир қисmini панжара ортида ўтказишларига тўғри келмоқда.

ЖИЯННИНГ «ХУРМАЧА» ҚИЛИФИ

...Тўйтепа шаҳри, «Тошкент йўли» шох кўчасида яшовчи Юлдуз Эргашева уч нафар устани уйда ишлашти учун ёллади. Уларга бажариладиган ишларни кўрсатиб, ўзи турли юмушлар билан кетди. Утган йил 17, 24 ва 28 сентябрда умуман уйда бўлмади. Бундан фойдаланган Шокир бемалол аммасининг уйма кириб, 17 сентябрда 10000 сўм, 24 сентябрда 5000 сўм пулини, 50 АҚШ доллари ҳамда биллур жамламасини, 28 сентябрда эса яна бошқа биллур жамламасини ўмариб кетди.

Юлдуз опа, аввал, пулларни сафарга кетган турмуш ўртоғи олиб кетган бўлса керак, деб ўйлади. Сунгра, усталаридан гумон қилди. Шундан сунг милицияга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ички ишлар бўлими терговчиларининг ҳаракати тўғрисида ҳақиқий ўғри топилди.

Судда Ш. Тоҳиров ўз айбига тўла иқдор бўлди. Жабрланувчи Ю. Эргашева етказилган зарар тўла қолганлигини айтиб, судланувчига даввоси йўқлигини, уни кечиражаклигини билдирди.

Аммо, жиноят жазосиз қолмаслиги лозим. Шунинг учун жиян — Шокир Тоҳиров беш йилу олти ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилди.

ХУЖЖАТСИЗ МИЛТИК САҚЛАГАНИ УЧУН

ПСКЕНТ тумани «Қирққизобод» жамоа хўжалигида эмлаш-тағбир ўтказиш чоғида Эркинбой Темировнинг уйдан 14966 рақамли кўшмақоз ов милтиғи топилди.

— Ов милтиғи отамдан мерос бўлиб қолган, — деди Э. Темиров судда.

— Лекин, ҳеч қандай ҳужжат ёхуд рухсатномам йўқ. Милтиққа қизиқайман ҳам, отишни ҳам билмайман. Утган йили қўшнимдан илтимос қилиб, кўтурган итни оттирганман. Бошқа бирор марта ишлатилмаган. Ҳужжатсиз қурол сақлаш мумкин эмаслигини билмасдим.

Суд Э. Темировни қонунга хилоф равишда, ҳеч қандай рухсатномасиз қурол қурол сақлаб, жиноят содир этган, деб топди ва уни 5 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ов милтиғи ички ишлар бўлими ихтиёрига ўтказилди.

МЕҲМОНГА КЕЛИБ...

НОМОЗБОЙ Хидиров ёш эмас. Биладди уч нафар вояга етмаган фарзанди бор. Шунга қарамай, ноҳўра ишга қўл урди. Пўстбек номи жамоа хўжалигида ишқимчи қилувчи ота-онасини қўрғани келиб, уларнинг ҳақимшоғи Қ. Йўлдошевнинг бозор нархи 60000 минг сўм бўлган биясини ўғирлади. Бирок ниятига етолмади. Милитсия ходимлари томонидан қўлга олинди. Суд уни бу қилмиши учун беш йилу олти ойга қамоқ жазосига ҳукм этди.

МАККАЖҲОРИ ЎҒРИСИ

СПИРТЛИ Ичимлик истеъмол қилиш яхшиликка олиб келмаслиги маълум. Бахтиёр икки нафар улфати билан 6 шиша винони бутадибди, эртага бош оғриғига нима қиламан, деб ўйлаб қолди. Шунда унинг ҳаёлига қўшиниқиди ерга ёйиб қўйилган макка дони келди. Тунги соат 23 ларда уйдан қоп олиб чиқиб, 150 кило макка донини ўмариб чиқди. Донни шу маҳаллада яшовчи В. Малишевга арзон гаровга, яъни 650 сўмга пуллади.

Бахтиёр Ибрагимовнинг қинғир иши фош этилди ва айбдор, деб топилди, қамоқ жазоси тайинланди, бироқ, авфига тўғрисида ҳозир эътибор қилинди. Жабрланувчига етказилган зарар ундирилиб, унга тегишли мол-мулк мусодара этилди.

Б. ЭРГАШЕВ, Пскент туман суди судьяси.

А. АҲМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи муҳбири.

ИЛК ҚАДДИРҒОЧЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгач, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, айниқса, аграр соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Шу мақсадда маҳаллий кадрларни тайёрлашга ҳам муҳим эътибор қаратила-япти.

Ўқувчилар техник ижодиёти республика маркази бу борада кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, мазкур марказ Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизация-лаш илмий текшириш институти билан ҳамкорликда Янгийўл туманидаги 45-ўрта мактабда махсус синф ташкил қилди ва иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиб, уларни ўқитишга ҳар томонлама қўмақлашиб турди.

Куни кеча бу ерда доцент Ибодилла Ашурбеков бошчилигидаги давлат комиссияси биринчи битирувчилардан мутахассисликларни юзасидан тест синовларини қабул қилиб олди.

Ушбу ихтисос бўйича таълим олган 19 ўқувчи-га Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ёш техник-мутахассислик гувоҳномалари топширилди.

Шоира АБДУШОҲИДОВА.



КУЧЛАР ТЕНГ ЭМАСДИ, БИРОҚ...

КУНИ КЕЧА олий лига жамоалари VII миллий чемпионатнинг 12-тур учрашувларини ўтказдилар. Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси Тошкентда МХСК майдонига меҳмон бўлди. Бекбоғдада эса «Металлург» олий лиганинг янги вакили Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасига қарши тўп сурди.

Ҳарбийлар ўйингоҳига йиғилган ишқибозлар ўз кўнглида «Дўстлик»-ка ютуқ «нақд» дея ҳукм чиқарган бўлишлари аниқ. Бизнингча ҳам шундай эди. Вакилларимиз охириги уч-тўрт учрашувда кучли жамоаларга қарши тўп суриб, анча-мунча қимматли очколарни бой берди. Қолаверса, ўтган йили жадвалда «бошдан-оёқ» карвонбошилиқ қилиб, чемпионлик шоҳсупасини эгаллаган МХСК жамоасидан VII миллий чемпионатга фақатгина ном қўлган чемпион деган либосан, холос...

Учрашув тенг курашлар остида бошланди. Бошда бир-бирларини синиб олган рақиблар секин-секин «мақсад»га ўта бошлашди. Меҳмонлар бир неча бор хавфли вазиятлар уюштириб, дарвозабон Алишер Аҳмедовга анча қийинчилик туғдирган бўлсалар-да, асосан ҳимояда ҳаракатланган меҳмонларнинг қарши ҳужумларини қайтариш химоячиларимиз ҳамда дарвозабон Святослав Сирота учун осон бўлмади. Биринчи бўлимда гарчи ҳисоб

очилмаган бўлса ҳам икки томон ҳаракатларида анча хотиржамлик борлиги ажабланарли эди. Ҳарбийларнинг мақсади-ку тушунарли — дуранг ҳам галабадди. Лекин «Дўстлик» вакилларининг бемалоллигини «барча санъатларини иккинчи бўлимга асраб қўйган бўлишга керак» деган ҳимоячиларимизнинг Дарвоқе, ўтган йили тўпурар баҳсида барчага ўрнак бўлган тажрибали ҳужумчи Жаъфар Ирисметовнинг жамоага қайтгани ва мазкур учрашувда 11-ракам остида ҳаракат қилган кўчлик муҳлисдорини қувонтирди. Улар қатори биз ҳам бу сафар «сеҳрли тафқач»нинг ўрни билан-майди дея умид қилдик.

45-дақиқада Абдуқаҳҳор Маъруфалиевнинг 4-5 химоячиларни қалғитиб тегган тўпини дарвозабон қийинчилик билан қайтариб қолди. Танаффусдан сунг меҳмонлар каттик ҳужумга ташланишди. Кетма-кет ёғлаётган зарбаларни ҳарбийлар жамоасининг сардори Алишер Аҳмедов

маҳорат билан қайтариб, ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлди. Гарчи, «Дўстлик» футболчилари рақиб майдонда устунлик қилаётган бўлсалар-да, тўп узатишда, уни дарвозага йўллашда қўллаб-қўллагилар йўл қўйдилар. Футбол — жамоа ўйини, бироқ шундай жамоа бўлиб ҳаракатланиш меҳмонлар ўйинида унча кўзга ташланмасди. Баъзи ҳолларда эса 5-6 нафар ўйинчиларнинг бир жойга йиғилиб олишлари ҳам тушунарли эди.

Учрашувнинг 70-дақиқасига келиб ўйин ўзгача тус олди. Ҳарбийлар жари-ма майдони олдига узлуксиз хавфли вазиятлар юзага келиб, муҳлисдор ана гол бўлади, мана гол бўлади, деб чарчашди. Гоҳ химоячилар, гоҳ дарвозабоннинг маҳорати дарвоза дахлсизлигини сақлаб турди. Ана шундай вазиятларнинг бирида Фарҳод Мирсаломбеовни чапи йиқитишди. Ҳакам ҳеч иккиланмай 11 метрлик белгидан жари-ма тўпи тепиш лозимлигини кўрсатди. Бу вазифани маҳоратли Фарид Хабибуллов адо этолмади. Алишер Аҳмедов 100 фоизлик голни қайтариб, учрашувнинг чинакам қаҳрамони эканини исботлади. Шундан кейинги барча уринишлар ҳам зое кетди. 85-дақиқада қарши ҳужумларнинг бирида дарвозабон билан яқинма-яқин чиққан Андрей Чединовский ҳарбийларни олдинга олиб

чиқиси мумкин эди. Бироқ, Вячеслав Сирота маҳорат кўрсатиб, хавфини бартароф эта олди...

Учрашув ҳақами Ислам Нурматовнинг финал ҳуштаги янграганда ҳам таблодаги 0:0 ёзуви ўзгармаган эди. Ҳа. «Дўстлик» жамоаси яна икки очко йўқотди. Кейинги турда ҳам вакилларимизга осон бўлмаслиги аниқ. 8 июнда «Дўстлик» ўз майдонига Наманганнинг «Навбахор»ига қарши тўп сурди.

...МХСК ўйингоҳидан чиқа туриб, ҳорғин ва тушкин кайфиятда турган Олег Шацкини учратиб қолдик ва муҳирлигимизга бориб уни бир-икки саволга тутдик.

— Олег, соғлигинг қалай? — Унча яхши эмас. — Москвада операция қилишаркан, деб эшитган эдик... — Йўқ, бўлмайдиган бўлди. — Сени қачон майдонда кўраман?

— Соғайиб кетсам, иккинчи даврада. Яна билмадим... Битта саволимиз айтилмай қолди. Бугунги учрашув ҳақида фикрини билмоқчи эдик. Унинг кайфиятини кўриб андиша қилдик. Лекин унинг ўрнига ўзимиз шу саволга жавоб бера қолайлик:

— Олег майдонда бўлганида нақд 10 та гол урарди!... Қолган учрашув натижалари қуйидагича: «Навбахор» — «Трактор» — 1:0, «Косонсой» — «Нефчи» — 1:3, «Зарафшон» — «Андижон» — 3:0, «Металлург» — «Темирйўлчи» — 1:1, «Хоразм» — «Бухоро» — 2:1, «Сурхон» — «Сўғдиёна» — 1:0.

А. РАЙМОВ, «Тошкент ҳақиқати» спорт шарҳловчиси.

ОБ-ҲАВО
РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар беришларича, 3-7 июнь кунлари поёхтагимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиш эҳтимоли бор. Кечалари 15-20, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ бўлади.

ДИҚҚАТ! БИРЖА САВДОЛАРИ!!!

Тошкент вилояти Давлат мулк кўмитаси ва Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиали ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари ўтказиладиган биржа савдоларига таклиф қилади.

Иншоот номи ва манзилгоҳи	бошланғич нархи
1. Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган «Ангренгўшт» очик турдаги хиссадорлик жамиятининг асосий воситалари	11600000 сўм
2. Тошкент шаҳри Қора-қамиш 2/1 мавзесида жойлашган кафе биноси	16000000 сўм
3. Тошкент вилояти Чигирчиқ қўрғонида жойлашган «Новинка» маиший хизмат уйи жиҳозлари билан	2800000 сўм
4. Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган «Богшамол» кафеси	15000000 сўм
5. Жўхори ўрувчи комбайн КСКУ-6,1	2141840 сўм
6. Белорусь 33-22 экскаватори	700000 сўм
7. Белорусь МТЗ-82 трактори	1000000 сўм
8. К-701,1 трактори	1760000 сўм

бундан ташқари савдога Москвич, УАЗ, ГАЗ-52 русумли автотранспортлар, иншоотлар ва бошқа буюмлар кўйилади.

Манзилеохимиз: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси-51.

Мурожаат учун телефонлар: 133-77-18, 133-28-52.

Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларидаги брокер идораларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент вилот «Акционер-Тижорат тадбиркор» банкининг Зафар, Юқоричирчиқ бўлими ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида Зафар шаҳри ва Юқоричирчиқ туманларида туғатиш комиссияларида қабул қилинади.

Вилоят хотин қизлар кўмитаси жамоаси республика «Наврўз» хайрия жамоаси Тошкент вилояти бўлими раиси Мухаббат Шоюсуповга волидин муҳтарамаси Ойнимшопа ШОЮСУПОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48, Ўзловлар: 133-99-15, 136-57-27.
• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.